

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 декабрь куни хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жорий йил 11 майда давлатимиз раҳбарининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Унда мазкур соҳани муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш белгиланди.

30 сентябрда яна бир муҳим ҳужжат — “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент Фармони қабул қилиниб, пандемия даврида умумий овқатланиш, савдо, туризм, транспорт соҳалари учун берилган имтиёзлар мuddати узайтирилди. Тадбиркорлар билан учрашувларда айтилган муаммолар ҳал этилди.

Жорий йилда жами 18 триллон сўмлик 29 мингта лойиҳа амалга оширилиб, хизматлар соҳаси 20 фоизга ўсган. Лекин 5 та туман ва шаҳарда ўсиш суръати кам бўлган. Умуман, жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Шу боис йиғилишда хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашув зарурлигини таъкидлаб, аниқ мисоллар келтирди. Туман ва шаҳарларнинг

аҳоли сони, географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, 3 та йўналиш белгиланди.

Биринчи йўналиш — хизматлар соҳасини 158 та туманда ривожлантириш.

Хусусан, сайёҳлик масканлари бор 45 та ҳамда тоғли ҳудуддаги 40 та туманда туризм хизматлари кўпайтирилади. Масалан, Шаҳрисабз туманининг Наврўз, Мираки, Оқдарё ва Ҳисор қишлоқларига йилига 500 мингга яқин саёҳатчилар келади. Агар шу ҳудуддаги 65 километр йўл таъмирланиб, интернет ва мобил алоқа яхшиланса, хизматлар ҳажми 3-4 баробар ошиши мумкин. Натижада меҳмон уйлари, савдо ва овқатланиш шохобчалари очилиб, қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари бундай туманларни керакли инфра-тузилма билан таъминлаб, ерларни тайёр лойиҳа билан аукционга чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, туризм соҳаси учун махсус солиқ режими жорий этиш, меҳмон уйлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қайд этилганидек, саноати ривожланган 27 та туманда савдо, умумий овқатланиш, логистика, меҳмонхона ва кўнгил-очар масканлар хизматларига устуворлик берилди.

Қишлоқ ҳўжалигида даромад юқори бўлган туманларда умумий хизматлар билан бирга, замонавий агрохизматлар ривожлантирилади.

Масалан, Қашаши туманида Агрохизматлар маркази, хусусий ветеринария корхоналари ташкил этилади. Туман марказида 200 тонналик совитқичга эга “Экобозор” қурилади ва мингта иш ўрни яратилади.

Туман ҳокимларига Қашаши мисолида шундай дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Маълумки, келгуси йил 21 та туманда 10 минг оила учун “Янги Ўзбекистон” массивлари, мактаб, боғча ва тиббиёт масканлари қурилади. Бу ҳам сервис ва савдони ривожлантириш учун жуда катта имконият экани таъкидланди.

Чегара олдида жойлашган 25 та ҳамда халқаро автомагистраль ва темир йўл ўтган 100 та туман савдо ва логистика хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилади. Шу боис мутасаддиларга йўл бўйи хизматларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, қўшни давлатлар билан чегара пунктлари ва уларга борадиган йўللарда сервис инфра-тузилмасини тубдан яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, мазкур 158 та туманда хизмат кўрсатиш соҳасида 300 минг иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Иккинчи йўналишда 29 та ўрта ва йирик шаҳар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп 6 та туманда замонавий бозор хизматлари ривожлантирилади.

Бу борада кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидан самарали фойдаланиш, енгил конструкцияли объектлар учун ер участкаларини аукционга чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Шаҳарларда аксарият мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўринлар етишмаётгани сир эмас. Шу боис хусусий таълим хизматлари қамровини кенгайтириш, мактаб ва боғча қуриш учун ер майдонларини ажратиш бўйича вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда ёшларни замонавий хизматларга ўқитадиган IT-академиялар ташкил этиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Умуман, мазкур 35 та шаҳар ва туманда хизмат кўрсатиш соҳасида 200 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Учинчи йўналишга кўра Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида юқори даромадли хизматларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Мисол учун пойтахтимизнинг Сергели туманидаги ер усти метроси атрофида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида

5 мингта иш ўрни яратиш имконияти бор. Ёки рассомчилик, ҳайкалтарошлик, хунар-мандчилик маҳсулотлари сотиладиган “санъат кўчалари” ташкил этиш мумкин.

Мутасаддиларга музейлар фаолиятини яхшилаш, кўرғазмаларини кенгайтириш ва туристлар учун янги йўналишлар очиш юзасидан кўрсатма берилди.

Яна бир масала — Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларда “Такс фри” тизimini жорий этиш, шаҳар ичида “Дюти фри” дўконларини очиш орқали чакана савдо ҳажмини янада ошириш мумкин. Шу боис хорижий меҳмонларга харидларни учун қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизимини барча туристик шаҳарларда йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Умуман, Тошкент, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида хизмат кўрсатиш соҳасида 750 минг иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Келгуси йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга 500 миллион доллар ажратилиши белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

Ў.А.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

Юқори палата комиссия ва қўмиталарида кенг муҳокамалардан ўтказилди

Бугун Олий Мажлис Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Икки кун давом этадиган мазкур мажлисда бир қатор янги қонунлар ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилади. Уларнинг ҳар бири нихоятда долзарб бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳозирги босқичида муҳим ўрин тутиши кутиляпти. Шу боис улар парламент юқори палатаси комиссия ва қўмиталари томонидан кенг муҳокамалардан ўтказилди.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ МУҲОФАЗАСИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари моддама-модда кўриб чиқилди. Шунингдек, депутатлар парламент сўрови юзасидан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирни А. Тошқуловнинг жавобини кўриб чиқдилар.

«Прописка» тушунчасидан воз кечилади

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида қўнчиликни ўйлангирган, қийнаб қалган “прописка” муаммоси ҳал этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи

ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан айрим қонунлардаги “доимий прописка қилиш” ва “турган жойи бўйича ҳисобга олиш” тушунчаларини “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” ва “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” тушунчаларига алмаштириш, бир қатор қонунларда биометрик паспортга оид ишлатилаётган тушунчалар келгусида идентификацияловчи ID-карта билан қўлланлиши сабабли ушбу қонунларга “идентификацияловчи ID-карта” тушунчаси киритилиши назарда тутилган.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОНГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ТОБОРА ОРТМОҚДА

Самарқанд давлат университетининг бир гуруҳ олимлари Анкарадаги Йилдирим Боязид университетидеги Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TICA) томонидан ташкил қилинган “Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни” симпозиумида иштирок этди.

Фахр

2021 йил 11-12 ноябрь. Дунё нигоҳини жалб этган ушбу кунларда Истанбул шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг тарихий саммити бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммитда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мазкур жараёнлар Туркия оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди. Турк жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этилди. Ҳаяжонли воқеаларни биз ҳам турк ҳамкорларимиз билан биргаликда кузатиш бахтига муассар бўлдик. Ишонч ҳосил қилдикки, бугунги дунёда Ўзбекистонга

бўлган қизиқиш ва интилиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббус ва ғоялари туркий давлатларда ҳам тан олинди, илгари сураётган фикр ва тақдирларига юқори баҳо берилиши мамлакатимиз номини янада улуғлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқида туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис қилинганлигини чуқур мамнуният билан эътироф этди. Бу турк оламининг тарихи, бугуни, эртаси бирлигини, бутунлигини кўрсатади, аналгатади.

➡ 3

БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМКОРЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Кеча видеоконференцалоқа тарзида “Парламент аъзолари болалар учун: болалар ва ёшлар манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш учун ҳамкорлик, ютуққа эришиш ва янги имкониятлар таҳлили” мавзусида минтақавий маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Минтақавий учрашув

Унда мамлакатимиз парламенти аъзолари, Парламентлараро иттифок, Европа парламенти, Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси (ПАСЕ), МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, ёшлар парламентлари депутатлари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича экспертлар иштирок этди.

ЮНИСЕФнинг парламент аъзолари билан ҳамкорлиги ва шериклигини кенгайтириш ҳамда тизимлаштириш, шунингдек, қонун ишлаб чиқувчилар эътиборини болалар ва ёшларнинг долзарб ахтиёрлигига қаратиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир Европа ва Марказий Осиёдаги болалар ва ёшлар манфаатлари учун қўлланган мақсадларга эришиш йўлида тажриба ва билим алмашиш майдониға айлан-ди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ёшлар ва болалар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Ёшлар парламенти аъзолари Сенат аъзоларига бириктирилган, маҳаллий Кенгашларда Ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилди. Сенат қарори билан ҳудудларда ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширили-шини баҳолашнинг рейтинг тизими йўлга қўйилган. Шу каби сайё-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган депутатлар улуши 6 фоиздан ортиқти ташкил этаётир.

Шу билан бирга, таълим муассасаларини ривожлантириш, қонунчилик базасини такомиллаштириш, етим болаларни уй-жой билан таъминлаш, ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун

“Меҳр” операцияларини ташкил этиш, шунингдек, мажбурий ва болалар меҳнатининг барча шаклига барҳам бериш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Меҳрибонлик уйларини деинституцио-нализация қилиш, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оила-ларга ва оилавий шароитларга яқин бўлган муассасаларга жойлаштириш борасидаги ишлар Сенатнинг доимий назоратида турибди.

Нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев ҳам сўзга чиқди.

Қайд этилишича, Сенат Раиси раҳбарлигида қатор миллий комиссиялар самарали фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси ҳамда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг фаолияти ҳам беvosита мазкур учрашууда муҳокама қилинган масалаларга таалуқлидир.

Шунингдек, тадбирда парламент назорати, болалар манфаатларига оид сайё-ҳаракатларни давлат томонидан молиялаштириш, парламентларнинг болалар ва ёшлар билан ўзаро ҳамкорлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инклюзивлик, мувофиқлашти-риш, ҳамкорлик ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлиси бугун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 15-16 декабрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис “O‘zbekiston” ва “UzReport” телеканаллари ҳамда Сенатнинг “YouTube”даги расмий саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУЛОҚОТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Тошкент шаҳрида 13 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида Стратегик шериклик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Томонлар делегацияларига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирни Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Дональд Лу раҳбарлик қилди.

Дастлаб Абдулазиз Комилов ва Дональд Лу иштирокида кечган тор доирадаги музокарада икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Томонлар ўзаро ҳурмат ва бир-бири манфаатини ҳисобга олиш тамойилига асосланган конструктив мулоқотни фойдалаштириш зарурлигини яқдил маълумладилар.

АҚШ томони янги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватла-шини маълум қилди.

Қўшма штатлар вакили Ўзбекистоннинг Афғонистон халқига қўмақлашиш ва турли соҳалардаги лойиҳаларни илгари суриш борасидаги сайё-ҳаракатиға юқори баҳо берди.

— Икки давлат учун ҳам самарали бўлган янги форматдаги ҳамкорлик-

ни йўлга қўйиш жараёнида иштирок этиш мен учун катта шараф, — деди жаноб Лу. — АҚШ ҳукумати Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллашти-риш, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш, демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш борасида амалга ошири-лаётган ишларни фасол қўллаб-қувват-лашга тайёрлигини маълум қиламан. Ишонаман, бошланган стратегик шериклик мулоқоти ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланишиға хизмат қилади.

Мамлакатимиз вазирлик, идоралари раҳбарлари ва АҚШ делегацияси аъзолари қатнашган кенгайтирилган йиғилиш давомида сиёсат ва дипло-матия, иқтисодиёт ва тараққиёт, хавф-сизлик, инсон ўлчови, маданий-гума-нитар ва бошқа йўналишлардаги икки томонлама ҳамда минтақавий ҳамкор-лик, шунингдек, халқаро ташкилотлар, молия институтлари доирасидаги муносабат юзасидан батафсил фикр алмашилди.

— Бугунги учрашув тарихий аҳами-ятта эға, чунки бу АҚШ ва Ўзбеки-стон ўртасидаги илк стратегик шерик-

лик мулоқоти. — деди Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Дениэль Розенблум. — Йиғилишда иқтисодиёт, хавфсизлик, икки давлат ўртасидаги савдо сармоясини оши-риш, инсоний ўлчов, яъни инсон ҳуқуқи сингари икки давлат учун ҳам ман-фаатли масалалар муҳокама қилиняп-ти. Президент Шавкат Мирзиёев бош-лаган жадал ислохотларни қўллаб-қув-ватлашда АҚШ томони қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳам муҳим. Уму-ман, мулоқот жараёнида барча дол-зарб масалалар бўйича самарали так-лиф-мулоҳазалар қўпилади, муҳокама-лар олиб борилади.

АҚШнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувват-лаш борасидаги доимий ва қатъий позицияси яна бир бор тасдиқланди.

Томонлар «С5+1» механизми дои-расидаги ҳамкорликни жадаллашти-риш, ушбу форматни юқори самара-дор даражаға олиб чиқиш лозимли-гини қайд этдилар.

➡ 3

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ҚАНДАЙ ОМИЛ ТЎСИҚ БЎЛИШИ МУМКИН?

Пойтахтимизда “Замонавий конституционализм: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Барқарор ривожланиш маркази ҳамда Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси кўмагида ташкил этилди.

Халқаро анжуман

Тадбирда парламент аъзолари, давлат идо-ралари ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, хорижлик экспертлар, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус ва-киллари қатнашди.

Таъкидланганидек, ҳозирги даврда турли мамлакатларда конституционализмнинг ри-вожланиш тенденцияларини аниқлаш ва таҳ-лил қилиш, бу борадаги илгор миллий ҳамда халқаро тажрибани қўйсий ўрганиш, шунинг-дек, мамлакатимизнинг Асосий Қонунини жамиятдаги реал воқеликка, шиддатли де-

мократик ислохотлар мантиғига мослашти-риш муҳим масалалардан ҳисобланади. Тад-бир айнан шу йўналишлар бўйича ўзаро фикр алмашиш имконини берди.

Форум иштирокчилари ҳар қандай де-мократик ислохотлар мустаҳкам конститу-циявий-ҳуқуқий асосга эға бўлсагина бар-давом ва самарали бўлишини, жаҳон таж-рибаси модернизация жараёнларига асо-сан, икки омил тўсиқ бўлиши мумкинлиги-ни алоҳида қайд этдилар.

➡ 3



ЮКОРИ ПАЛАТА КОМИССИЯ ВА КЎМИТАЛАРИДА КЕНГ МУҲОКАМАЛАРДАН ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати қандай?

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ва Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини қўлайлаштиришга кўмаклашувчи комиссияси кўшма мажлисида “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойидagi ижроси тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Маълумки, Сенат ялпи мажлисида Тошкент шаҳар ҳокимининг айнаи шу масаладаги ҳисоботини эшитиш кўзда тутилган. Шу боис ҳам йилгилашда пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот атрофила таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 87,8 трлн. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,1 фоизга ўсган. Аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 31,2 млн. сўмдан ортқичи ташкил этган.

Ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 221 та лойиҳа доирасида 2 трлн. 946,6 млрд. сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 баробарга ошган.

Шаҳар инфратузилмаси ва давлат хизматлари сифатини таъминлаш бўйича ҳалқоматчилик нозарили олиб боришчи “Халқ назорати” портали ва унинг мобилъ иловаси ишга туширилган. Портал орқали фуқаролардан келиб тушган 3 мингдан ортқичи муаммолари масаланинг 2 мингдан зиёди ижобий ҳал қилинган.

Мажлисда эришилган ютуқлар қаторида, йўл қўйилган қамчиликлар ҳам тилга олинди. Жумладан, давлат ва жамоат эҳтиёжи учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш бўйича 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври давомида 30 нафар мулкдорга компенсация маблағи тўлаб берилмаган.

Сенаторлар томонидан жамоат транспортининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, хусусан, аҳоли гажум жойларда йўловчиларга бир транспортдан иккинчига қисқа вақтда хавфсиз ўтиш имкониятини яратиш мақсадида қўшимча равишда транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

“Мудраб” қолган соҳани ривожлантиришга туртки беради

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси йилгилишда ялпи мажлис муҳокамасига киритилган масалалар,

жумладан, “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонун бўйича атрофлича фикр алмашилди. Унда айтилишича, ушбу қонун соғлиқни сақлаш тизимида “мудраб” қолган соҳани ривожлантиришга туртки беради.

Бу ҳужжатда “бош миянинг ўлими”, “инсон аъзоси”, “инсон тўқимаси”, “реципиент”, “тирик донор” ва “трансплантация” тушунчаларига аниқлик киритилган ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг инсон аъзо ва тўқималари трансплантацияси бораидаги ваколатлари белгиланган.

Мазкур қонун трансплантацияни амалга ошириш мақсад ва шартлари, трансплантация объектлари, донорлар доираси (тирик ва ўлганлар), донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари, тирик ва ўлган донорлардан аъзо ва тўқималарини олиш шартларини белгилаб бериш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Йилгилишда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойидagi ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ҳам қўриб чиқилди.

Кўмитанинг фаолиятига доир соҳаларга 2022 йилда режалаштирилган ажратмалар ортгани ушбу йўналишларда халққа қўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилашга омил бўлиши алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, кўмита аъзолари томонидан 2021 йилнинг 9 ойида бюджет ижросида йўл қўйилган қамчиликлар батафсил муҳокама қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган чоралар қўриш бўйича тегишли қўрсатмалар берилди.

Шунингдек, йилгилишда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг инновацион фаолиятини амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш ва фаолиятни молиялаштиришга оид қисмининг Самарқанд ва Навоий вилоятларида ўрганиш натижалари тўғрисида”ги кўмита қарори қўриб чиқилди.

Қонун ижроси доирасида Навоий вилоятида илм-фан, технология, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик соҳаларини ривожлантириш мақсадида 2021 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига қўра, умумий қиймати 17,288 млрд. сўмлик 11 та амалий ва тижоратлаштириш лойиҳаси молиялаштирилган.

Самарқанд вилоятида эса 2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 29 млрд. сўмлик 70 та инновацион лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, 117 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Навоий вилоятининг Кармана, Самарқанд вилоятининг Ургант туманлари инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманлар рўйхатига киритилган бўлиб, шу бўйича дастур ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадбирда Қизилтепа, Нурота ва Навбахор туманлари ҳокимликлари томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмагани, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига экспериментал тажриба-синовлар ўтказиш учун лаборатория жиҳозлари эскиргани, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Трансфер марказини молиялаштириш механизми

аниқ белгиланмагани боис у бугун фаолият олиб бормаётгани танқид қилинди.

Кўмита ўз фаолияти давомида нималарга кўпроқ эътибор бермоқда?

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси йилгилишда мазкур кўмита томонидан 2020 ва 2021 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ҳисоботи муҳокама қилинди.

Ҳисоботга қўра ўтган даврда Сенатга киритилган 3 та қонун, жами 6 та масала кўмита томонидан дастлабки тарзда қўриб чиқилган. Қонунлар ҳудудлар манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб, танқидий-таҳлилий қўрилган. Хусусан, қонунлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида соҳа мутахассислари, тажрибали амалиётчилар ва жамоатчилик вакиллари қўриб этган ҳолда муҳокама қилиниб, Сенат ялпи мажлисига киритилган.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар қаролатилари, хотин-қизларга нисбатан таъзия, ва зўравонликнинг олдини олиш бораидаги қонунларнинг жойлардаги ижроси, аёллар меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш каби йўналишлар бўйича ўрганишлар олиб боришган.

Сенатга келиб тушган жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашув, сайёр қабул ва ижтимоий тармоқлардаги муурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан 2 та парламент сўрови юборилди.

Жорий йилда эса кўмита томонидан Сенатнинг ялпи мажлисларига маҳаллардаги қолатлар, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлигини кенг қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар киритилган.

Қолаверса, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда, бир қатор қонунларни амалга оширишга қаратилган қонуноти ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалда қўлланилиши ҳолати мониторингдан ўтказилган.

Кўмита аъзолари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 3 минг 342 та ёзма муурожаат қўриб чиқилган.

Ҳисобот даврида кўмита аъзолари фуқароларни ташвишга солаётган муаммолардан чуқур ўрганиш ва улар ечимни юзасидан зарур чораларни қўриш мақсадида 562 маротаба ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказган. Айнаи чоғда Сенатда ва жойларда 3 мингга яқин фуқаролар қабул қилинган.

Шунингдек, муурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар манфаати билан боғлиқ масалалар юзасидан 34 та сенатор сўрови юборилган.

Йилгилишларда муҳокамалар қилинган масалалар юзасидан парламент қорори палатаси кўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲОКИМЛАР АҲОЛИГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойил етакчилик қилмоқда. Бунини шу қунларда бўлиб ўтаётган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳокимларнинг муурожаат йўллаётгани мисолида ҳам қўриш мумкин.

Маҳаллий Кенгашларда

Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши сессиясида шаҳар ҳокими Бобурмирозо Облоқовлов 2021 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2022 йил учун белгиланган устувор йўналишлар тўғрисида ҳудуд аҳолисига муурожаат йўллади.

Муурожаатда шаҳарда рўёбга чиқарилган инвестиция лойиҳалари, жумладан, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бораидаги сазй-ҳаракатлар, жалб қилинган инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ҳажми, яратилган иш ўринлари, фойдаланишга топширилган лойиҳаларнинг бюджет даромадлари ошишига қўшган ҳиссаси ва натижадорлиги тилга олинди. Айнаи чоғда ижтимоий-иқтисодий қўрсаткичларнинг ўсиш суръати, аҳоли жон бошига нисбатан ўзгариши, ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлар, аҳоли реал даромадларининг ошиши сингари масалалар хусусида маълумот берилди.

2017 — 2021 йилларда Самарқанд шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида жами қиймати 5,6 триллион сўмлик 785 та лойиҳа ишга туширилди ва 11 мингта иш ўрни яратилган.

Ўз навбатида, ҳудудни 2022 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор ва зифаларга эътибор қаратилди. Маҳаллабай ишлаш тизимини ривожлантириш ҳисобидан жойларда ўзини ўзи иш билан таъминлашни ривожлантириш, “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”га киритилган фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиш ана шулар жумласидандир.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши сессиясида шаҳар ҳокими Исроил Худойбердиев аҳолига муурожаат қилар экан, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва келгуси йилдаги устувор ва зифаларга алоҳида уруғ берди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда Термиз мамлакатимизнинг Жанубдаги гавҳари Улароқ, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган шаҳарга айланиб борапти. Кенг ва равои йўллар, янги қад ростлаётган кўп қаватли тураржойлар, маданий-маиший хизмат қўрсатиш объектлари шаҳар қўрғи-қўрқ қўшмоқда ва яратилаётган шарт-шароитлар аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Юксалиш ва янгиланишлар ҳақида сўз кетганда, шаҳарнинг “ўсиш нукталари” қайси, деган савол туғилиши, табиий. Бу шубҳасиз, санаот ва хизмат қўрсатиш соҳалари ҳисобланади.

Жорий йил якуни билан санаот маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион 293 миллиард сўмини ташкил этиши кутилмоқда. Бу қўрсаткич

аҳоли жон бошига ҳисобланганда, 6 миллион 580 минг сўмга етади. Келгуси йилда ушбу рақамлар янада ортиб, аҳоли жон бошига 8 миллион 341 минг сўмга етказилиши мақсад қилинган.

Жорий йил якуни билан хизматлар ҳажми 2 триллион 870,9 миллиард сўмга етказилиб, режа қўрсаткичи 126 фоизга бажарилади. 2022 йилда қиймати 447,5 миллиард сўмлик 35 та янги лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 566 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Натижада хизмат қўрсатиш ҳажми 3 триллион 649,6 миллиард сўмга ортади.

Шу билан бирга, келгуси йили биргина кичик бизнес субъектларини янгидан ташкил этиш ҳамда янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига чакана савдо айланмаси ҳажмини 3 триллион 284,2 миллиард сўмга ошириш чора-тадбирлари қўрилаётгани маълум қилинди.

Сессияда галдаги ва зифалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг сессиясида шаҳар ҳокими Муҳиддин Базоровнинг муурожаати тингланди. Унда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2021 йил якунлари ҳамда келгуси йилдаги долзарб ва зифалар хусусида сўз юритилди.

Дастлаб 2021 йил якунларининг асосий қўрсаткичлари, белгиланган режалар ортиси билан бажарилгани эътироф этилди. Чунончи, шаҳарда умумий қиймати 950 миллиард сўмлик 173 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 1 минг 566 та иш ўрни яратиш режа қилинган бўлиб, 1 декабрь ҳолатига қўра, қиймати 817 миллиард 212 миллион сўмлик 151 та лойиҳа амалга оширилган. Натижада 1 минг 221 та иш ўрни очилган. Йил якунига қадар эса яна 24 та лойиҳа ишга туширилиб, 365 та иш ўрни яратилади. Бу эса режа 102 фоизга бажарилади, дегани.

Шаҳар ҳокими ўз муурожаатида ҳудуднинг экспорт қўрсаткичлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлар ва инвестициялар бораидаги сазй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтди. Хусусан, 2021 йил учун 36 миллион 316 минг АҚШ доллари миқдоридан режалаштирилган экспорт прогнози амалда 36 миллион 981 минг АҚШ долларига бажарилганиги таъкидланди. 2021 йилда 29 миллион АҚШ доллари ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва хорижий кредитларни ўзлаштириш режаси амалда 105 фоизга уудаланган.

— Қарийб 150 минг кишилик Навоий шаҳри аҳолисининг 36 минг нафардан зиёдини ёшлар ташкил этади, — деди ҳоким ўз муурожаатида. — Уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиши, таълим олиб, касб ўрганиши ҳамда иш билан таъминлашни фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади. Бу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар натижасида жорий

Халқ сўзи

йил бошида рўйхатга олинган 3 минг 991 нафар ишсиз ёшларнинг аксарияти касб-хунарга йўналтириш, хунармандчилик ва касаначиликка жалб этиш, субсидия ажратиш ҳамда “Меҳнат ярмаркалари” орқали ўз иш жойига эга бўлди.

Сессияда шаҳар ҳокими 2022 йилнинг устувор ва зифаларини депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

Жумладан, келгуси йилда “Обод маҳалла” Давлат дастури доирасида “Зарафшон” ва “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йилгилари ҳудудларидаги 4 та мактабга таълим ташкилоти ҳамда 3,3 км. ичимлик суви ва 1,2 км. оқова сув тармоқлари таъмирланади. Қолаверса, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 16 та трансформатор пунктини таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек, муурожаатда йўл қўйилган қамчиликлар, жумладан, инвестициявий лойиҳаларни ўзлаштиришдаг суствазликлар, энергия таъминотидаги ўзгаришлар, янги иш ўринлари яратишдаги мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши сессиясида ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда санаот ва хизмат қўрсатиш соҳаси устувор ўрини тутиши таъкидланди.

Шаҳар ҳокими Ҳаёт Давлатовнинг муурожаатида шу ва бошқа йўналишларда амалга оширилган ва келгусида бажарилиш кўзда тутилган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Ҳудудда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми ошиб бормақда, — деди шаҳар ҳокими. — Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 13 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилгани фикримиз далилидир. Масалан, “Бухоро қоракўл кластер”, “Бухоро тиспум”, “Оптика паст инвест” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан йирик лойиҳалар амалга оширилди. Натижада жорий йилда импорт ўрнини босувчи 64,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, буюмжета 7,2 миллиард сўм миқдорида қўшимча тушумлар тушиши таъминланди.

Ҳаёт Давлатов Когон шаҳри учун энг муҳим саналган ишсизликка барҳам бериш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, “темир дафтар”га киритилган оила-ларни қўллаб-қувватлаш, жиноятчилик йўлига тўсиқ қўйиш сингари бир қатор йўналишлар ҳақида ҳам тўхталар экан, асосий мақсад одамларни ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришиш эканлигини таъкидлади. Зеро, шаҳарда меҳнат ресурслари сони 33,6 минг кишини ташкил этади. Ишсизлик даражаси эса 10,1 фоиз.

Ҳоким бу йўналишда бажариладиган ишлар ҳақида ҳам аниқ далилларни келтирди.

Сессияда депутатлар хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган масканлар барпо этиш, туризм объектларини таъмирлаш, чиқиндини кайта ишлаш каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди, таклифлар ўртага ташланди.

Тадбир сўнгига Когон шаҳри ҳокими журналисти ва блогерлари қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ МУҲОФАЗАСИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштиришнинг ушбу давлат божи миқдорини белгилаш, фуқаро идентификацияловчи ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида муурожаат қилмаганида, яроқсиз ҳолга келтирилганда ёки йўқотиб қўйган тақдирда маъмурий жавобгарликка тортиш масаласида юзага келган ҳуқуқий бўлишчи бартараф этиш белгиланмоқда.

Депутатларнинг айтилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш”, “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” ҳамда “идентификацияловчи ID-карта” тушунчалари билан боғлиқ бўлишларнинг бартараф этилишига олиб келади.

Мажлисда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Ер участкалари эгаларининг қонуний манфаатлари ҳимояси кучайтирилмоқда

Мажлисда депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Ўй-ҳой кодексига қўшимча ва ўзгариш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Ўй-ҳой кодексининг 27-моддасида давлат эҳтиёжлари учун ери олиб қўйилиб, ўй-ҳой бўлиб қўйилган мулкдорга давлат томонидан ажратилаётган мулкнинг нархи бозор қийматидадан ортқ бўлса, мулкдор беш йил ичида давлатга ўртадаги фарқни тўлаб бериши лозимлиги белгиланган бўлиб қўйилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу фарқнинг мулкдор томонидан қайтарилишмаслигини назарда тутувчи ўзгариш киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида бир қатор давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказилиб, депутатлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказилиб, пухта-пишқ ҳолатга келтирилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш масалаларида низоли ва зиятларнинг олдини олиш, ушбу низоларни самарали ҳал этиш, ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Полиэтилен грануларига акциз солиғи ставкаси 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилади

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун

лоийҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган лойиҳада жорий йилнинг фойда солиғи солиқ базасини аниқлашда зарарларни тўлиқ чегириш ҳуқуқи берилмоқда.

Ўз навбатида, қўчмас мулк жойлашган жойидан келиб чиқиб бир квадрат метр учун минимал қиймат жорий этиш билан бирга, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаларини пасайтириш, поли-этилен грануларига акциз солиғи ставкасини 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтирган ҳолда, ушбу ставкани унинг импортига ҳам жорий этиш белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектлар ҳисобини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, солиқ имтиёзлари ҳисоби бўйича ягона автоматлаштирилган тизимни яратиш, солиқ тўловчининг ҳисоб маълумотларидаги ўзгаришларни шахсий кабинет орқали тасдиқлаш назарда тутиляпти.

Солиқ тўловчи томонидан тақдим қилинган маълумотларни солиштириш бўйича автоматлаштирилган тизимни яратиш, шунингдек, сотиб олинган ва реализация қилинган товарларни солиштириш бўйича таҳлил ўтказиш масаласи ҳам лойиҳада ўз аксини топган.

Шу билан бирга, қўйилган қиймат солиғи ва айланмадан олиннадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи тизимини тақдим этиш мундарижати электрон ҳисоб-варақ-фактура тизимларини ривожлантириш ва солиқ ҳисоботларини, улар маълумотлари ҳамда он-лайн касса машиналари маълумотлари бўйича уни-фалантириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ша-кификация қилинмоқда.

Мажлисда билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Фуқароларнинг овозагарчиликларига чек қўйилади

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда қўриб чиқилган қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан ишлаб чиқилган.


Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали фуқароларнинг ортқича пул маблағлари сарфлашига, уларнинг овозагарчиликларига чек қўйилади. Қолаверса, давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида Давлат бюджетидан ажратилаётган пул маблағларининг мақсадли сарфланишига эришилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кон-цептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Айрим масалаларни халқроқ ҳужжатлар билан уйғунлаштириш зарур

Ташқи меҳнат миграцияси соҳаси қонуноти ҳужжатларидан иборат бўлгани сабабли миллий қонунчиликдаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид айрим масалаларни хал

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети
ректори, профессор,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



лаштириш, ходим
лаштириш ва ми
учун замонавий
жорий этишга оли

ишини мақб
ларга қулай.
технологиялар
келади. Бул

Банк матбуот хизмати.
Хизматлар
лицензияланган.

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖЕР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



ЁКИ МЕХНАТ ЖАРАЁНИДА ОДАМЛАРНИ БОШҚАРИШ ИЛМИ.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг пировард мақсади — инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини юзага чиқаришга қаратилган. Шу мақсадга эришиш учун барча йўналишда туб ўзгаришлар амалга ошириляпти. Жумладан, мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун корпоратив мулкка асосланган бизнес тузилмалар яратилляпти, акциядорлар қўшган ҳиссасига мўносиб қўшимча даромад олаётир.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, даромадларни кўпайтириш учун Президентимиз ташаббуси билан агросаноат кластерлари ташкил этиляпти. Менежмент ва маркетингнинг замонавий шакллари жорий этилиб, инновацион фаолиятга йўналтирилган венчур фирмалар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Ҳўш, бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлган “менежмент” ва “маркетинг” тушунчаларининг маъно-мазмунини қандай?

Нуктаи назар



Эраимиздан аввалги минг йилликлардан бошлаб тарихда қолган барча давлатларда ишлаб чиқилган қонулар, ёзилмаган қондалар, аввало, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, яратилган моддий неъматларни мулкдорлар ва ишловчилар ўртасида тақсимлаш масалаларига қаратилган. Буларга мисол қилиб Хаммурапи қонуларини, Рим ҳуқуқини, Ибн Халдунийнинг “Муқаддима”, Бурхониддин ал-Марғиониёнийнинг “Хидоят” асарларини келтириш мумкин.

Алишер Навоий эса инсонлар зарурат сезмасалар ҳаракат қилмайдиган одамлар ўз манфатидан келиб чиқиб ҳаракат қилади, фойда қадағидан насага интилади. Билгинки, одам натижаси фойдасиз бўлган ишни қилмайди, деб таълим берган.

Шарқ мутафаккирлари меҳнатта муносабатни бўйича одамларни икки тоифага ажратган:

Биринчиси, яшаш учун ишлайдиганлар.

Иккинчиси, ишлаш учун яшайдиганлар.

Яшаш учун ишлайдиганлар меҳнат қилишни ёқтиришмайди, ўз эҳтиёжларини қондириш учун мажбуран меҳнат қиладилар. Бу тоифа одамлар учун меҳнат машаққатга айланади, зўр-базўр меҳнат қилади. Улар қаттиқ назорат қилинмаса, белгиланган иш бажарилмайди, қўйилган мақсадга эришилмайди.

Ишлаш учун яшайдиганлар тоифаси табиатдан меҳнатсевар бўлади. Бундай одамлар ўз касби-корини севади, меҳнат қилиб қарнамайдиган, бажараётган ишдан ўзи завқланади. Улар ўз вақтида мўносиб тақдирланиб туриса (мотивация), қўйилган вазифалар, албатта, бажарилади.

Меҳнат муносабатларига доир энг мураккаб масала — бу меҳнат натижаларини мулкдорлар ва ишловчилар, меҳнат жамоалари аъзолари ўртасида тақсимлашдир. Бу борада инсоният турли иқтисодий-иқтисомий даврларни бошдан кечирган. Масалан, қулдорлик даврида меҳнат натижалари фақат қулдорга тегишли бўлиб, қул мулкка ҳақсиз бўлган. Феодализм даврида крепостной деҳқон эр эгаси бўлган помешчик ерида ишлаб беришга (барщина) ёки ўзи етиштирган маҳсулотларнинг бир қисmini унга беришга (оброк) мажбур бўлган.

Капитализм даврида ёлланма ишчи ҳуқуқий жиҳатдан эркин бўлган, бироқ ишлаб чиқариш воситалари капиталистлар қўлида бўлгани учун уларнинг корхоналарида ёлланма ишлашга мажбур бўлган. Натижада иш ҳақининг салмоқли қисми мулкдор томонидан қўшимча қўйилган сифатида ўзлаштирилиб, капитал жамғарилган.

Социализм даврида ишлаб чиқариш воситалари меҳнатқиларнинг умумий мулки деб эълон қилинган, бироқ иш ҳақи уларга тўлиқ берилмаган. Иқтисодчи олимлар ўтказган тадқиқотларга кўра иш ҳақининг 33-45 фоизини меҳнатқиларга берилиб, қолгани иқтисомий истеъмол фондларини ташкил этиш учун давлат иқтиёрида қолдирилган. Шундай қилиб, меҳнат натижаларини тақсимлаш тартиби тақомиллашиб, гоҳ тадрижий, гоҳ инқилобий йўллар билан алмашишиб келган.

Юқорида умумлаштирилган тарихий жараёнлар шуни кўрсатадики, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш фаолияти

алоҳида иқтидор соҳиблари шуғулланган касб сифатида шаклланиб келган.

Умуман, фан сифатида “менежмент” Гарбда XIX асрда шакллана бошлаган ва фаннинг мустақил соҳасига айланган. Америкалик Жозев Вартон 1881 йилда биринчи марта коллежаларда талабаларни ўқитиш учун “менежмент” курсини ишлаб чиққан.

Америкалик муҳандис Фредерик Уинслоу Тейлор номини бутун дунёга машҳур қилган куйидаги асарларни эълон қилган: “Келишув тизими (1895 йил)”, “Цех менежменти (1903 йил)”, “Илмий менежмент тамоийиллари (1911 йил)”. У ўз асарларида капитал ва меҳнат манфаатларини бира қўйиш, “капиталистик корхоналарда ҳамкорлик фалсафаси”ни амалга оширишга ҳаракат қилган. Ф. Тейлор ишлаб чиққан меҳнатни жадаллаштириш усули турли мамлакатлар бошқарувчиларида катта қизиқиш уйғотган ва илмий бошқарув мактабига (1885 — 1920 йиллар) асос солган. Лилян Гилберт, Френк Гилберт, Гарингтон Эмерсон (АҚШ), Алексей Гастев (Россия) унинг издошлари бўлган.

Бошқарувнинг классик ёки маъмурий мактаби (1920 — 1950) шаклланишга француз олими Анри Файоль ва немис социолог Макс Вебер энг катта ҳисса қўшганлар. Бу мактаб вақилари ташкилотларнинг умумий таърифлари ва ривожланиш қонуниятларини

“... **МЕНЕЖМЕНТ** — бошқаларнинг меҳнати, интеллекти, феъл-атворидан фойдаланиб, қўйилган мақсадга эришиш маҳоратидир. Менежмент — турли ташкилотларда одамларни бошқаришдан иборат фаолият туридир. Менежмент — мана шу фаолиятни амалга оширишга ёрдам берадиган илмидир. Қолаверса, менежмент — бошқаришга хос ишни бажарувчи одамлар тоифаси, ижтимоий қатламдир.

аниқлашга ҳаракат қилган. Уларнинг мақсади бошқарувнинг иккита жиҳатига дахлдор универсал тамоийилларни яратишдан иборат бўлган.

Биринчиси — ташкилотни бошқаришнинг рационал тизимини ишлаб чиқиш. Бу назариячилар бизнеснинг асосий хизматларини аниқлаб олиб, ташкилотни бўлинмаларга бўлишнинг энг яхши усулини белгилаш мумкинчилигига ишонганлар. Улар “асосий хизматлар” деб таъминот, ишлаб чиқариш, маркетинг, молияни ажратган.

Иккинчи жиҳат — ташкилот ва ҳодимлар бошқаруви тизимисини қуриш. Яқкабошчилик тамоийили бунга мисол бўлиб хизмат қилган, унга кўра одам фақат битта бошлиқдан буйруқлар олиши ва фақат битта бошлиққа бўйсунуши керак.

Бошқарувдаги инсоний муносабатлар мактаби 1930 — 1950 йилларда шаклланган. Мэри Фоллетт (Англия), Элтон Мэйо ва Абрахам Маслоу (АҚШ) унинг энг йирик танқили вакиллари. Бу мактаб намояндалари агар раҳбарият ўз ҳодимлари ҳақида ғамхўрликни оширса, унда ҳодимларнинг қаноатланганлик даражаси ошади, бу эса муқаррар унумдорлик кўтарилишига олиб келади, деб ишонган. Бу олимлар бошлиқларнинг бевоисита самарали харақатлари, ҳодимлар билан маслаҳатлашиши ва уларга ишда мулоқот қилишга кенгрок имкониятлар беришини ўз ичига олувчи инсоний муносабатлардан фойдаланишнинг тавсия этганлар.

Ахлоқий фанлар ёки бихевиористик мактабининг (1950 йилдан ҳозирги вақтгача) энг кўзга кўринган вакиллари — Фредерик Герцберг, Ренсис Лайкерт, Дуглас Макгрегор. Ушбу мактаб инсоний муносабатлар мактабидан анча узоклашиб кетган. Бу ёндашувга кўра, ҳодимга ташкилотларни бошқаришга нисбатан ахлоқий фанлар концепцияларини қўлаш асосида ўзининг шахсий имкониятларини ҳис қилишга кўпроқ да-

ражада ёрдам кўрсатиш керак. Бу мактабининг асосий мақсади — ташкилот фаолияти самарадорлигини унинг инсоний ресурслари самарадорлигини ошириш йўли билан юксалтиришдан иборат. Унинг асосий қоидаси: ахлоқ ҳақидаги фанни тўғри қўлаш ҳамма вақт, ҳам алоҳида ҳодимнинг, ҳам умуман ташкилотнинг самарадорлиги ошишига ёрдам бериши керак.

Бошқарув фани мактаби ёки микдорий усулнинг (1950 йилдан ҳозирги вақтгача) энг кўзга кўринган олимлари — Рассел Акофф, Норберт Винер, Вильфредо Парето, Виктор Глушков ва Леонид Кантарович (СССР). Бу мактаб бошқарувда аниқ фанлар — математика, статистика, муҳандислик фанлари маълумотларидан фойдаланишга асосланган. Аммо Иккинчи жаҳон урушига қадар микдорий усуллардан бошқарувда етарлича фойдаланилмаган. Кейинрок компьютерларнинг ривожланиши бошқарувда ушбу усулларни қўлашга кўчи туртки бўлган. Улар ўсиб борувчи мураккабликдаги математик моделларни қуришга имкон берганлар, бу моделлар ҳақиқатга кўпроқ даражада яқинлашади, демак, аниқроқ бўлади.

Мана шу мактаблар яратган илмий-назарий ҳулосалар ва ўтказилган амалий тажрибалар умумлаштирилиб, “менежмент” фанининг илмий ёндашувлари ва тамоийиллари ишлаб чиқилган.

Асосий илмий ёндашувлар қуйидагилардан иборат: маъмурий, қайта ишлаб чиқарувчи, динамика, интеграцион, микдорий, маъмувий, маркетингча, меъёрий, ахлоқий, жараёнли, тизимли, вазиятчи, вазифавий.

Асосий тамоийиллар: меҳнат тақсими, вақолатлар ва жавабгарлик мувозанати, интизом, яқка ҳукморонлик, ҳаракатлар бирлиги, шахсий манфаатларни жамоа манфаатларига бўйсундириш, ҳодимлар ва ишчиларни муқофотлаш, марказлаштириш, қояма-қоя ўсиш закириш, тартиб, адолат, ҳодимлар ва ишчилар барқарорлиги, ташаббус, корпоратив руҳ, илмий ёндашувлар муаммоларини ечиш усуллари, тамоийиллар эса ана шу жараёнда рияз этилиши шарт бўлган қоидаларни ифодаляди.

Менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамоийиллари бошқарув вазифаларини (функцияларини) мазмунига қараб ажратиш имконини беради. Бошқарув функциялари деб, бошқарув тизими мақсадларига эришиш учун бошқарув фаолиятининг объектив зарур бўлган нисбатан мустақил, иқтисослаштирилган турларига айтилади. Барча соҳалар, тармоқлар, корхоналар учун бажарилиш кетма-кетлиги бўйича умумий функциялар қуйидагилардан иборат: мақсадни белгилаш, прогнозлаш, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, ахборот таъминоти ва алоқа, назорат, таҳлил, тартибга солиш, мотивация. Булардан ташқари тармоқлар ва корхоналар иқтисослигига қараб ўттизга яқин махсус функциялар амалга оширилади.

Бу функцияларни амалга ошириш жараёнида менежер ташкилотлар иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, фирма-лар, компаниялар фаолиятига ва уларнинг персоналига таъсир ўтказиш усулларини қўлайди.

Гарб илмий адабиётида меҳнатни бошқаришнинг ривожланиш бошқуларини XX аср назарийчилари Ф. Тейлор, Э. Мэйо, Р. Лайкерт тадқиқотлари билан боғлайдилар. Кўпчилик тадқиқотчи-лар меҳнатни бошқариш эволюциясини санатлашмишдан аввалги, санатлашган, илмий-техника даврларига мос равишда ҳунармандчилик, технократик, инновацион турларга ажратди.

Бундай таснифлашнинг ҳиддий асослари бор. Ҳунармандчилик тури меҳнатни бошқаришнинг оддий шакли ҳисобланади. Ўз ҳеҳида яқка-яқка ишловчи усталар мануфактурга бйлаштирилиб, меҳнат тақсимидага асосланган ишлаб чиқариш жараёни яратилган. Натижада, биринчидан, ишчиларни касбий малакасига қараб поғоналарга ажратиш, иккинчидан, аввал мустақил бўлган усталарни ягона жамоа ва интизомга бўйсундиришга зарурат туғил-

ган. Жамоани бошқариш тегишли касб бўйича малакаси юқори бўлган устага мўносиб қўрилган.

Санатлашган ишлаб чиқаришга ўттиш натижасида меҳнатни умумлаштириш шакллари сифат жиҳатдан ўзгарди, чунки аввал қўл билан бажариладиган ишлар энди машиналар, дастгоҳлар, конвейерларга юклатилди. Меҳнатни бошқаришнинг технократик тури вужудга келди. Энди бошлиқнинг фақат ҳунар устаси бўлиши етарли эмас, у ҳам ҳунар, ҳам техника устаси бўлиши лозим бўлди. Бу ўзгаришлар Ф. Тейлор, Г. Эмерсон, Ф. Гилберт тадқиқотларида ўрганилди. Г. Форд заводларида меҳнатни технократик бошқариш юқори даражада ривожланди. Ф. Гилберт иш вақтидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун хронометражни иштиро қилди.

Америка компанияларидан бирининг бошқарувчиси Р. Вулф меҳнат унумдорлигини ошириш учун моддий рабатлантиришнинг янги усуллариини жорий қилди, фаол ишчиларни бошқарув масалаларини ечишга жалб қилди. Социолог М. Фоллетт корхоналарда низо-лар келиб чиқиш сабабларини ўрганди. Гарвард университети профессори Г. Мюнстерберг меҳнат унумдорлиги руҳий омилигага боғлиқлигини исботлади. У биринчи тест ва инженерлик психологияси бўйича биринчи тизимлаштирилган очерк муаллифи, касб танлашга илмий ёндашув асосчиси бўлди.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларида санат бирикдорларда катта қизиқиш уйғотди. 50-йиллар бошида саноти ривожланган мамлакатларда меҳнатни бошқаришнинг иқтисодий ривожланишининг санатлашган тури талабларига жавоб берадиган, технократик тамоийилларга асосланган яхлит тизими шаклланди.

50-60-йилларда ишлаб чиқаришга илмий-техника янгиликларни кириб кела бошлади. Бунинг натижасида иш қучини технократик бошқариш замонавий талабларга мос келмай қолди. Бу но-мувофиқлик ишчиларнинг аққаланиб қоллишида, меҳнатдан қониқилишнинг пасайишида, кадрлар қўнимсизлигида на-моён бўлди. Бундай салбий тенденциялар илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш стратегиясини танланган корпорацияларда яққол сезилди. Улар меҳнатни бошқариш асосларини тубдан ўзгари-тириш заруриятига дуч келдилар.

Таниқли тадқиқотчи Дуглас Макгрегор (1906-1964) “Корхона-нинг инсоний томонлари” (1960 йил) китобида ишлаб чиқаришнинг бошқаришда авторитар усул эскирганини исботлади. У “Х”, “у” назариясини яратди. “Х назарияси” бўйича одам табиатдан дан-гаса, уни қаттиқ тергаш, жаза-лаш билан қўрқитиш лозим. “У назарияси” бўйича одамларга ҳозирбадир иш ёқади, улар мустақиллиқни, қарорлар қабул қилишда иштирок этишни, иш-тирочилини хоҳлашади, уларни ҳурматлаш, маъқуллаш, уларга яхироққ бўлиш лозим. Шунинг учун уларни назорат қилишдан тийилиб, иқодий фаолияти ва мустақил ишлашгага шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришга инсоний муносабатларини жорий этиш лозим. Кейинрок Д. Макгрегор “Х назарияси” эскирди, менежерлар “У назарияси”ни қўлаш-лар лозим, инсоний муносабатлар ўзини оқлайди, деган ҳулосага келган.

Ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш мантиқи бундай шароитда меҳнатни бошқаришнинг инновацион тамоийиллар асосида қайта қуришни тақозо этди. Меҳнатни инновацион бошқариш иқтисодий ўсишнинг илмий-техник турига энг кўп мос келади. Бундай бошқарув юқори унумдорлик ва меҳнат сифатини таъминлашга, персоналнинг иқодий ва ташкилотчилик фаоллигини оширишга, “инсон ресурслари”дан усталик билан фойдаланишга қаратилган. Меҳнатни инновацион бошқариш малака-ли меҳнатга, юқори сифатли иш қучига йўналтирилган. Натижада ишчиларнинг иқодорлиқ фаоллиги ўсди. 80-йиллардан Гарбий Европа, АҚШ, Японияда ишчи-ларнинг мустақил сифат гуруҳлари кенг тарқалди. Бунга “Volvo”, “Ford”, “Toyota”, IBM, ATT, “Siemens” каби етак-чи компаниялар мисол бўла олади.

Умуман, XXI асрда инсоният табиатнинг қутилмаган синовларига, мураккаб иқтисомий вазиятларга дуч келди, натижада руҳий таранглик сезиларли даражада қуцайди. Бундай вазиятда менежерлардан яна бир соҳа илминини — психологияни билиш тақозо этилади. Демак, бугунги кунда амалли менежер бўлиш учун ҳунар устаси, техника билимдонли, илмий-техника янгиликларидан хабардор ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана оладиган ва психологияни биладиган кенг қамровли билим соҳиб бўлиш тақозо этилади.

Нуритдин ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Менежмент кафедраси
мудри, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Қулайлик

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»НИНГ «JOYDA» ИЛОВАСИДАГИ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР СОНИ ЎН МИНГДАН ОШАДИ

Бугунги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг “JOYDA” маркетплейси орқали тақлиф қилинаётган маҳсулот ва хизмат турлари 10 мингдан ошди. Ҳамкорлик қилувчи ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва савдо ташкилотлари (мерчантлар) сони эса қарийб икки юзтага етди. Илова асосида кўрсатилётган банк хизматлари тури 17 тани ташкил этмоқда. Ўтган йилда коронавирус пандемияси электрон тижорат бозорининг ривожланишига омил бўлди. Онлайн савдо одамлар учун энг қулай ва хавфсиз усул эканлиги исботланди.

SANOAT QURILISH BANK

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегиясига мувофиқ, “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан жорий этилган “JOYDA” маркетплейс мобиль иловаси аънанавий банк хизматларидан ташқари халқ истеъмол товарлари сотувини ҳам тақдим этиб кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, маркетплейс ишга туширилгандан буюн 2020 йил якунига қадар жисмоний ҳушлар томонидан 5 644,5 млн. сўм қийматдаги 1600 дан зиёд турдаги товарлар сотилган бўлса, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 28 344,7 млн. сўмлик 6 870 дан ортиқ товарлар бўйича харидлар амалга оширилди.



Маркетплейсда харидорлар учун афзалликлар:

- қўндалик эҳтиёжлар доирасида маҳсулотларнинг 3 ойдан 12 ойгача муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш имкониятининг мавжудлиги;
- кенг ассортимент (онлайн-дўкандан фарқи равишда);
- уй ёки офисдан чиқмаган ҳолда қулай ва хавфсиз харид;
- кафолатли логистик хизмат;
- махсусат учун шаффоф ва стандарт тўлов.

Мерчантлар учун афзалликлар:

- замонавий интеграциялашган савдо бошқарувига қўйилиш;
- доимий харидорлар оқимига эришиш;
- логистика, омборхона ва бошқа хизматлар учун минималлаштирилган харажатлар;
- маҳсулот ёки хизматларини сотиш учун қўшимча платформа;
- фаолиятини томонлараро манфаатли ва қулай тарзда юритиш.

Ҳозир иловада қандай банк хизматлари кўрсатилмоқда?

- онлайн конверсия амалиётлари (олиш ва сотиш);
- онлайн шакллантириладиган муддатли ва жамғариб бориладиган омонатлар;
- карталардан картага пул ўтказмалари (5 усулда);
- онлайн микроқарз (узак ва қисқа муддатли, сугурта таъминоти остида);
- овердрафт кредитлари (очик кредит линияси, 6 ойгача имтиёзли давр);
- кредитларни сўндириш;
- коммунал ва бошқа 350 турдан ортиқ хизматлар учун тўловлар;
- ҳисоб рақамларга пул ўтказмалари (юридик ва бюджет ташкилотларига);
- халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш (“Золотая корона”);
- банк карталарига буюртма бериш (“Humo”, “Uzcard”);
- маркетплейс (банк кредити ҳисобига ва нақд шаклда);
- халқаро карталарга пул ўтказиш (“Mastercard”, “Visa”, “Unionpay”);
- 24/7 режимида мижозларни қўллаб-қувватловчи электрон чат;
- мижозлар учун банк филиалига таширф буюришдан аввал масофадан электрон навбат олиш имконияти;
- олтин қўймақлар сотуви;
- виртуал ҳамён;
- “Humo” виртуал картасига ариза бериш ва “NFC” контактсиз тўлов хизмати йўлга қўйилган.

Яқин истиқболдаги режалар

- “JOYDA” мобиль иловаси орқали “Cash back” тизими жорий қилинади;
- амалга оширилган транзакциялар бўйича бонуслар ишлаб чиқилади;
- автокредит, халқаро виртуал карталар ва чет эл валютасидаги омонатларни расмийлаштириш йўлга қўйилади. Шунингдек, мобиль илованинг офлайн режимда ишловчи версиясини яратиш ҳамда мижозлар талабидан келиб чиқиб бошқа банк маҳсулот ва хизмат турларини жорий этиш режалаштирилган.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6